

# ЎЗНОНСН

Ушбу сонда:

**2** ИНСОН НОМИ  
МУҚАДДАС

**3** ҚИРҚҚА КИРИБ  
ҚУЮЛМАГАН

**4** ҚИШ ЧИЛЛАСИДАГИ  
САБАЗОР

## ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 декабр кuni Оксаройда Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиева раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар суръат билан ривожланиб бораётганига яна бир тасдиқдир, - деди Ислам Каримов. - Ўтган йилнинг ноябр ойида мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Узро алоқаларнинг суръати ва кўлами шу ҳужжатга мос равишда изчил ошиб бормоқда. Биз гуманитар соҳадаги ҳамкорликка кўп қиррали узро муносабатларимизнинг муҳим таркибий қисми сифатида қараймиз.

Харбий-техникавий соҳалардаги алоқалар қаторида гуманитар ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Зеро, шу орқали узро ишонч мустаҳкамланди ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб имконияти пайдо бўлади.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларни қамраб олган. Сиёсий, савдо-иқтисодий, харбий-техникавий алоқалар ҳам томонлама ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари гуманитар соҳага

оид қўшма дастурлар орқали мавжуд алоқалар кўламини янада ошириш тарафдоридирлар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида иш бошлаган М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу даргоҳда Россиянинг таникли олимлари талабаларга амалий математика ва информатика ҳамда психология йўналишлари бўйича дарс бермоқда.

Албатта, мазкур филиалнинг очилиши борасида мамлакатларимиз Президентларининг келишувини муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, бу келишувни амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон ва Россиядаги кўп қанчалар ҳамкорликни

таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримов мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиевага "Дўстлик" орденини, Москва давлат университети ректори Виктор Садовничийга "Фидокорона хизматлари учун" орденини топишди.

Ж.Поллиева ва В.Садовничий юксак эътибор ва салимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида илмий, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқалар изчиллигини таъминлашга оид масалалар юзасидан узро фикр алмашилди. (ЎЗА)




## ЖОРИЖИЙ КОРХОНАНИНГ

### бежирим маҳсулотлари

«АСАРВО текстил» хорижий корхонасининг юртимизда фаолият бошлаганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ишлаб чиқариш қуввати сезиларли суратда ошиб бормоқда. Корхона Япония, Корея ва Германия технологиялари асосида жиҳозланган. Бу ерда 450 нафар ишчи-хотим меҳнат билан банд. Маҳаллий хотин-қизлар томонидан замонавий тикув машиналарида тайёрланган сифатли ва бежирим маҳсулотлар АҚШ ва Европа давлатларига сотилаётди. Аини пайтда экспорт ҳажмини янада ошириш устида тинимсиз ишанишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида иш ўринлари сони кенгайиб, янги йилдан бошлаб 350 нафар киши иш билан таъминланиш имконига эга бўлади.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар  
И.ХАСАНОВ  
олган суратлар



Газетамизнинг аввалги сонидида касаба уюшма спортчиси Гўзал Хуббиева 100 метрга югуришда олтин медалга сазовор бўлганлиги ҳақида хабар қилган эдик. Гўзал яна ўзини кўрсатди. У 200 метр масофага югуришда марра чизгининг иккинчи бўлиб кесиб ўтди ва кумуш медал билан тақдирланди.



Умуман, Ўзбекистон спорт делегацияси навбатдаги медаллар шодаси билан бойиди. Бунда яна бир энгил атлетикачимиз Вадим Менковнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. У 1000 метрлик масофани 4 дақиқа 57,815 сонияда босиб ўтиб, шохсу-

## ГЎЗАЛНИНГ ЯНА БИР МЕДАЛИ

панинг энг юқори погонасига кўтарилди. Унинг шериклари Серик Мирбеков ва Герасим Кочневга кумуш медал насиб этди. Улар жуфт пойғаларда бир километрлик масофани 4 дақиқа 25,511 сония вақт ичида босиб ўтиб, Дохага бежизга бормаганликларини тасдиқдан ўтказиб олишди. Яна бир вақилимиз Алексей Бобононов ҳам кумуш медал билан тақдирланди.

Олдinda бокс мусобақалари туриди. Ҳисоб-китоблар эса «чарм кўлоп» усталаримиз ҳам медаллар шодасига ўз муносиб улушларини қўшишларида умидвор қилмоқда. Хусусан, Бехзод Хидиров бронза медалини тақдим этишга улгурди. Маҳоратли спортчимиз бундан ҳам яхшироқ натижани кўрсатишга лойиқ эди, албатта. Аммо мўғилистонлик боксчи Мунху Эрдэде Уранчимедуга кутилмаганда 24:26 ҳисобида жангин бой бериб қўйди.

Эронлик Жосим Делаверига ҳеч қандай имконият қолдирмаган ҳамюртимиз Рустам Саидов 91 килограмм вазнда олтин медалга асосий даъвогар бўлиб турибди. Ўзбекистон терма жамоаси тўпланган медаллар сонига кўра ўн тўртинчи ўринда бормоқда. Спортчиларимиз жағмарасида 4 та олтин, 8 та кумуш ва 10 та бронза медали бор.

Хозирча кучли учлик қуйидагича кўриниш ҳосил қилган: Хитой — 243 та медал: 124 та олтин, 70 та кумуш, 49 та бронза. Жанубий Корея — 153 та медал: 44 та олтин, 39 та кумуш, 70 та бронза. Япония — 151 та медал: 43 та олтин, 51 та кумуш, 57 та бронза. Мусобақалар давом этмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

### «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжихатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани муносабати билан:

1. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси янада мувофиқ тарихида тужилсин.
2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) икки ҳафта муддатда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури Концепциясини тайёрласин, унда Дастурнинг аниқ бўлимлигини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги йўналишлар ва соҳаларни белгиласин.
3. Бунда қуйидаги масалалар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:
  - ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий нозорат қатламларига ёрдам кўрсатишда таъминлаш ҳолда ёндошувини кучайтириш мақсадида ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш;
  - амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни назарда тутган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича тақдирлар тайёрлаш;
  - а) аҳоли нозорат қатламларининг турли тоифаларига, биринчи гада ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисиз йўқотган балогоғларга ёрдам бўлаверган қўриқилган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;
  - б) кексалар ва ногиронлар уйлари, болалар уйлари ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатларни, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволаш муассасаларини таъминлашга сарфланган норматив моддий харажатлар миқдорини

- мақбуллаштириш;
- в) 2 ёшга болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳалла кўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;
- «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик ширини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;
- аҳолининг нозорат қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, нозорат оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни ошириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш;
- жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида гамхўрликни кучайтириш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш. Бунда нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-хўнар коллежлари, академик лицейлар ва

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 12 декабр

И. КАРИМОВ

## Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

### АЪЛОЧИЛАРГА УЮШМА СТИПЕНДИЯСИ

**Фаргона Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилоят кенгашида ўтказилган йиғилиш инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари қарғалати мавзусига бағишланди.**

Унда вилоятдаги олий ўқув юртлири ва ўрта-маҳсус, касб-хўнар коллежларининг бир гуруҳ ёшларига намунали ҳуқуқ, ўқиш ва жамоат ишидаги фаоллиги учун таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий ва вилоят кенгашлари томонидан таъсис этилган стипендия тўғрисида, устима стипендиялари топирилди. Фаргона давлат университетининг миллий истиқлол гоғаси ва манъабати асослари йўналиши талабаси М. Тешабоев, агрокимё ва тупроқшунослик йўналиши талабаси З. Усмонова, Фаргона политехника институти талабаси Х. Маннопов, Р. Қўзибоев, Қўқон давлат педагогика институти талабаси А. Мадаминова, Марғилон педагогика коллежи талабаси А. Сўфиева каби 25 нафар иштирокчилар ана шундай ишонч, ҳурмат ва муқофотга сазовор бўлдилар.

М. ЭРКАБОВ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилоят кенгаши «Бозор иқтисодийти даврида касаба уюшмасининг роли» мавзусида интерфаол услубда семинар-тренинг ўтказди.

### ИНТЕРФАОЛ УСЛУБДА БАҲС

Унда «Инсон ва унинг жамиятдаги ўрни», «Меҳнатқашларга гамхўрлик — асосий ширинимиз», «Меҳнат ва ижро интизоми — муваффақиятлар гарови» мавзуларида қизгин фикрлашувлар бўлди. Баҳс-мунозараларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳодиржон Халилов, Фаргона политехника институти касаба уюшмаси кўмитаси раиси, иқтисод фанлари номзоди Наримон Самиев, Қўқон давлат педагогика институти касаба уюшмаси кўмитаси раиси Аҳмаджон Зияев, Охунбобоев тумани кенгаши раиси Дилоромхон Гофурова, Богдод тумани кенгаши раиси Шавакжон Боймирзаевлар ўзларининг чуқур билим, тажрибага эга эканликларини кўрсатдилар.

Ф. ЮСУПОВ,  
«Ишонч» мухбири

### Сурхондарё

Жамоаишда 500 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилди. Ҳамжихатлик, тадбиркорлик тўғрисида ҳар йили ишда тўб бурилишларга эришмоқдамиз. Бу йил 15 минг тонна пахта оғашини қабул қилиб, бугунча 5 минг тоннадан ортигини қайта ишлашга эришдик. Бир сўз билан айтганда, меҳнат умумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи арзонлашиб бормоқда. Касаба уюшма кўмитамиз жамоадаги ҳар бир ишчига алоҳида меҳрибонлик кўрсатиш, маънавий шароитни янада яхшилаш, имтиёزلардан умумий фойдаланишга эришиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Жамоа шартномасида белгиланганидек, ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлинишига ҳаракат қилаямиз. Ҳар бир байрам ҳамда жамиятимизнинг қувончли кунлари билан пилёла чой устида учрашувлар ташкил этилади, концертлар уюштирилади. Бир вақтлар жамоамизда ишлаган, бугунги кунда ҳар биримизга таллар оромгоҳларида бепул дам олдирилди. Термиз шаҳридаги ёрдамга муҳтож 40 та оилага, 15 нафар яққа-ёлғиз қариёларга моддий ёрдам кўрсатдик.

### Бухоро

Нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ меҳнат қилиши тўғрисида гамхўрлик кучайтирилмоқда. Ошкона, чойхона ишлаб турибди. Ишчиларга ҳар кун сут ва сут маҳсулотлари бериб бериладилар. Улар вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилади. Нефчилик курортидаги накташлар хизматида. Ходимлар жойларидаги санаторийларга эса ёзги оромгоҳларда пул йўланмалар берилапти.

## МЕҲНАТ ҚАДРИ

Келаётган Ражаб Худойеровни юрак ҳуружи бозовари қилиб қолди. Қараб турмадик. Ушлаб ишчиларимиз турли сихатгоҳларда соғлиқларини қайта тиклашди. Яна 4 киши Хонжиза дам олиш уйида бўлди. Ишчиларимизнинг 25 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида бепул дам олдирилди. Термиз шаҳридаги ёрдамга муҳтож 40 та оилага, 15 нафар яққа-ёлғиз қариёларга моддий ёрдам кўрсатдик.

## ЭЪТИБОР

Ходимларга энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдориди овақт пули тўланмоқда. Болалар боғчаси тарбиячилари ва умумтаълим мактаби ўқувчиларига моддий ёрдам кўрсатилди. Дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди.

Ўз мухбиримиз

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида БМТнинг Қийноқ ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазолашнинг бошқа шакллари турларига қарши конвенцияси бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Конвенция ижроси ҳамда унинг нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини камситувчи жазолаш турларига қарши кураш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

## ДАВРА СУҲБАТИ

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош Прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Адвокатлар уюшмаси, юридик институти, Инсон ҳуқуқлари буйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари миллий марказининг маъсул мутасадди ходимлари иштирок этидилар. Қийноқни қўллаш бугун дунда оммавий тарзда қораланди. Хусусан, 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилингандан бундан ушунга мувофиқ қийноқни қўллашга қарши ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Конвенция нормаларини асосан тергов бўлиmlарида, жазаони ижро этиш бош бошқармаларида ҳамда суд жараёнида имплементация қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Конвенция қоидаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалий фаолиятида қўлланилиши; миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан маърузалар тингланди. Қийноқларга қарши қаратилган қонунчилик ижросини жойларда чуқур урганга жамда Конвенция нормаларига риоя этишга нисбатан, таълимни кучайтириш юзасидан амалий таъминлаш қилиб, киши бунини таъриф-мулоҳазалар билдирилди.

Д. МАДИЕВ,  
«Ишонч» мухбири

Парламентдаги мухбири

### Фуқаролик жамияти сари

**Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият ҳаётини демократик янгилаш соҳасидаги ислохотлардан кўзланган мақсад Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Шубҳасиз, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши учун ишончли ҳуқуқий пойдевор зарур. Аини пайтда юртимизда бу борада қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.**

Айтиш жоизки, Конституция — Асосий Қонун сифатида инсон шаъни ва обрўси, қадр-қимматини қўриқлаш билан бирга, уларни фуқаролик, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилишни кафолатлайди. Шу боис 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадри ва бошқа ҳуқуқлари энг олий нэмат деб белгилаб қўйилган. Мустақиллик йилларида қабул қилинган юзлаб қонунлар фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий майдон яратди. Илдан-йилга ҳуқуқни татбиқ қилиш амалиёти тақомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги асосий ҳалқаро шартномаларга қўшилган бўлиб, БМТ ва ЕХТД доирасида қабул қилинган ҳалқаро шартномалардан келиб чиққан ҳолда қатор ишлар олиб боришмоқда. XXI асрда инсон ҳуқуқи, бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш услублари жамиятда кенчуви жараёнларнинг ўзаги бўлиб, инсониятнинг асрлар давомида эркинлик, ҳақ-ҳуқуқ ва умуминсоний қадриятлари учун олиб борган кураши ҳосиласидир.

Инсон ҳуқуқи ва эркинлиги ҳаётининг турли шаклий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларида таъминланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат ташкилотларининг турли поғоналари, маҳаллий ташкилотлар, корхоналар ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Инсон ҳуқуқларининг бузилиши дунёнинг турли бурчакларида қўлпал учраб туради. Бу жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Дунё ҳуқуқий маданиятида инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилишда Омбудсман институти алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги пайтда бу институт дунёнинг турли формацияли давлатларида: Конституциявий монархия, президентлик, парламент республи-

ликаларида қонунчилик ва жамият томонидан тан олинган, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Халқаро Омбудсман институти ҳозирги пайтда дунёнинг 120 дан ортиқ давлатида мавжуд. 13 та давлатда миллий ва минтақавий омбудсманлар, 6 та давлатда фақат минтақавий омбудсманлар фаолият кўрсатишмоқда. Омбудсман институти халқаро даражада ҳам муваффақиятли иш олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда Маастрих шартномаси-

ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти ўтган 11 йил давомида шакллана борди. Бу даврда Омбудсман вазифалари ва уларни бажариш услублари аниқ белгиланди. Минтақавий институтлар тузилди. Инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда уларни қайта тиклаш, қонунчиликни тақомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди.

1997 йилда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бундан кўра Омбудсманнинг бир палатали парламент шартномасидаги ҳуқуқий ваколатлари белгилаб берилди. Ташкил ҳақиқатини, бу қонун МДХ ичида биринчилар қаторида қабул қилинди ва кейинчалик бошқа давлатлар қонун қабул қилишда ўзбекча қонун шаклини на-

ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) институти мавжуд бўлган инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилувчи ташкилотларни тўлдирди. Бу институт суд, прокуратура ва бошқа ташкилотлардан фарқлиқ ўлароқ давлат ҳам, фуқаролик жамиятига ҳам тегишли бўлиб, унинг фаолияти давлат ва индивидумлар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилишга хизмат қилади. У фуқароларга ёрдам бериб, давлат ташкилотларини ўз вазифаларини аниқ ва сикдидидан бажаришга чақиради. 1995 йилда Омбудсманга тушган мурожаатлар сони 6142 тани ташкил қилди. Шундан кўра Омбудсманнинг бузиллиши билан боғлиқ 1754 та иш назоратга олинди ва 240 таси ижобий ҳал қилинди. Жойларда 16 та учрашувлар ўтказилди. Фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнларининг мониторинги ўтказилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ

тавсия характерига эга. Юридик мажбурият юклайдиган ваколатининг йўқлиги давлат хизматчилари томонидан Омбудсман тавсияларини қабул қилишни таъминлаштириди. Давлат — ҳокимият тармоқлари кўччилик ҳолларда текширувларга қаршилик қилишмайди, чунки инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти фуқаролик жамияти томонидан бу ташкилотларга ишонччи оширади.

Шубҳасиз, Омбудсман ишини яхшилашга унинг минтақавий вакиллари ҳам катта ёрдам беришади. Шу мақсадда 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарори билан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш ва таъминлаш бўйича ҳайъат тузилди. Шундан сўнг ушбу ҳайъат кенгайтирилди ва минтақавий вакиллик институти ташкил этилди. Ҳозирги пайтда республиканинг ҳамма минтақаларида Омбудсман вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Минтақавий омбудсман вакили иш фаолиятининг бир қўриғини, бу фуқароларнинг шикоятларини қўриб чиқишди. Фуқаролар мурожаати ўрганилганда, уларнинг йилдан йилга ошиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Агар 2000 йилда 250 та ёзма мурожаат қайд қилинган бўлса, 2005 йилда 1300 та мурожаат қайд қилинган. Минтақавий Омбудсман вакиллари ҳозирда суд жараёнларида кузатувчи сифатида ҳам иш-тўрқ этмоқдалар. Фуқаролар билан жойларда учрашувлар ўтказишмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу ўзаро ҳамкорлик чет эл ташкилотларининг мурожаатларини ва чет эл оммашароҳларининг сўровларини қўриб чиқиш, хорижий мамлакатлар жамоатчилиги орасида Ўзбекистондаги омбудсман фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш каби усуллар билан амалга оширилмоқда. Маълумки, 1998 йилдан бунён Ўзбекистон парламенти Омбудсманни Халқаро Омбудсман (Канада), 2002 йилдан Европа Омбудсман институти аъзоси (Австрия)дир. Европа, Америка, МДХ давлатлари омбудсманлари билан икки томонлама алоқалар ўрнатилган. Россия, Польша, Швеция, Словакия, Латвия, Озарбайжон мамлакатлари омбудсманлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилган.

## ҲУҚУҚИЙ ДАРСХОНА

**САВОЛ:** мен туманимиздаги касб-ҳунар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Биринчи фарзандим ҳали 2 ёшга тўлмаган. Ҳозир иккинчи фарзандимга ҳомиладорман. Мен иккинчи фарзандим учун туғруқ таътилига чиқмоқчиман. Шунинг учун туғруқ таътилидан туғруқ таътилгача менга бериладиган нафақа биринчи фарзандимга таътилгача ишлаган иш ҳақи ҳисобидан белгиланадими ёки биринчи фарзандимнинг 2 ёшгача тўланадиган нафақаси миқдоридан тўланадими?

**Д.Бегимкулова, Деҳқонобод тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1113-сон билан 14.03.2002 йилда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳар ойлик нафақа парваршиланаётган болалар сонидан нафақа олуви шахсини ни икки ёшга тўлгунгача парварши қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни талабларига қўра, бола икки ёшга тўлгунгача қадар уни парвартириш учун ҳар ойлик нафақа парваршиланаётган болалар сонидан нафақа олуви шахсини

меҳнат стажидан қатъи назар ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдоридан тўланади.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган болалар парвартиришланаётган бўлса, унда болани парвартириш қилиш бўйича нафақа битта ҳисобда, энг кичик бола икки ёшга тўлгунгача қадар тўланади. Агарда болани икки ёшга тўлгунгача қадар парвартириш қилиш даврида она иккинчи бола учун ҳомиладорлик ва туғиш таътилига ҳуқуқи бўлса, бундан онанинг хоҳишига қўра шундан кўра икки нафақадан биттаси тўланади.

**САВОЛ:** корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлайдиган қандайдир тоифадаги ходимларга иш ҳафтаси давомида «ижодий кун» берилди (берилмади?) ва «ижодий кун» деганларнинг юридик мазмуни нималардан иборат?

**З.Акрамов, Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги талабларига қўра, барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлайётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 258-моддасида ходимларга ижодий таътиллари ҳам берилиши мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу қонун талабига қўра, ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга нозодлик ёки докторлик диссертацияларини яқунлаш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-ўқувчи қўланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллари берилади.

Ижодий таътиллари бериш тартиби ва уларнинг муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**САВОЛ:** бизнинг Китоб маҳсуоти йўл-кўприк пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси «Узавтоёул» компаниясига қарашли бўлиб, корхона ишчи-хизматчилари фарзандларини бизнинг соҳамизга таътил қилишга олишга ҳақдор бўлиши тўғрисида шартнома тўловини ташкилот фойдаси ҳисобидан тўлашга рухсат бериладими?

**Э.Остонов, Китоб тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига қўра, корхонанинг солиқлар ва бошқа қонунда белгиланган тўловларни тўлаганидан кейин қолдирган фойдаси (соф фойда) тўлиқ миқдорда ўзидан қолади, ушбу фойдани қонунда қўрсатилган ҳолатларда ташқари олиб қўйиш тақиқланади. Агар корхонанинг устивада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, корхона соф фойдасини қандайдир мақсадларда ишлатишни ўзи мустақил ҳал қилади.

## ЙЎЛДОШ ОТА ХУНОБ

Тошкентда ўқитган қизининг касалонига тушиб қолганини эшитган Йўлдош ота аввалига шовиб қолди: Дарҳол сумага қизи яхши кўрадиган мевалар ва пиширчиларни солиб, белига 150 минг сўмини туғди-да, йўлга отланди. Поезд тунги соат 11 лар атрофида Тошкентга кириб қолди. Поезддан тушиб метрога кирган отахонини милиционерлар тўхтатишди: — Ассалому алайкум, отахон. Қаярлардан сўраймиз? — Кишлоқдан келаямиз. Қизим шу ерда ўқийди. Ка-

нага олиб кирган милиционер. — Ҳа, — деди Йўлдош ота беголини ечиб, тугучани очар экан.

Пулни олиб, у ёқ бўғини қўриб, гўёки ичидан бирор бир нарсани чиқиб қоладигандек, бирма-бир санаб қўришди.

Хуллас, яна бир қанча саволлардан сўнг отахонга рухсат берди. Отахоннинг кўнгли олинган, асаблари таранг тортилиб, бўлари бўлган эди. Уни «нега шундай бўлди», деган ўй қийнади...

Агар милиционернинг хатти-ҳаракати қонун доирасидан чиқадиган бўлса, унинг хатти-ҳаракатларидан норозилик юзасидан тегишли давлат органлари (суд, прокуратура органлари)га мурожаат қилиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддаси талабига қўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат биршарикларининг қаршилик қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

**Саволларга жавобни ва ҳуқуқий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори Отабек АТАКОВ тайёрлади**

Ушбу фожеада ҳам айнан шундай бўлган. Хабардор кишиларнинг айтишича, ўша кун икки сағирда 20 тадан кўп машина қатнаган.

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди расиси С. Турсуновнинг фожеа ҳақидаги фикри шундай: — Жабдийларнинг дарди, кебималари, нақадар оғир йўқотишга учраганини тушунамиз. Лекин ҳукм чиқаришда аввало қонунга, ҳуқуқларга асосланилади. Фожеа содир этилганда А. Бурунов маст бўлган, жароҳатланганларга ёрдам қилмаган, деган даъво киритилган. Лекин бу вақтарда экспертиза ҳуқуқлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланмади. Бундай ҳолатда айбонларга нисбатан қўлланмайдиган жазо тури қонунда аниқ кўрсатилган.

— Ушбу жиноят ишини синчилаб ўрганиб чиқдик. Тергов жараёнида ҳам, судда ҳам қонун талабларидан четга чиқилган эмас, — деди Каттақўрғон туман прокурори А. Тоғоев. — Фикримча, фожеа оқибатларини таҳлил қилишдан қўра, уни келтириб чиқарадиган сабабларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ ўйлаш керак.

Нарпайликлар ўша кунни, ўша воқеани ҳали қўп вақт унута олмашса керак, — дедимиз. Анчқ бўлса-да, алдамлик сабабдан бошқалар ҳам тегишли ҳуқуқ ва ҳақларига, мақсадга мувофиқ бўларди.

**РУСТАМ ҚУРБОНОВ**

### Таассуф

**Инсон ҳаётда яшар экан, ўзидан ном қолдиришни, фарзандлар тарбиялаб орзу-хавас қилишни истайди. Бирок беш кўп баробар эмас экан. Кимдир оиладан, фарзанддан, уларга бериладиган меҳрдан пулни, мол-дунёни, айшу ишратни устун қўяди...**



Эсини таниб қолган Нуриддинжон туғилиб ўсган гўша — ота хонадонидан кетаётган беихтиёр останада тўхтади. Ҳаёлида шу тобда отаси ортидан келиб олқасидан қучадигандек, «Ўғлим, мен билан қолсанми?» дея сўрайдигандек туюлди. Афсуски, у кутган мўъжиза рўй бермади. Болақай ортига қарай-қарай катта йўл бошида кутаётган онаизори изидан етиб олди.

Орадан анча вақт ўтса-да, қорасини кўрсатмаган ота — Қаҳрамон Эшбонов кутилмаган фарзандини «слаб» қолди. Ҳар тугул инсоф қилибди-да, дейишга бироз шовилманг. Отанинг бу йўқови фарзандини соғинган, унинг учун барча нарсасига тайёр турган оталар йўқовидан бутунлай фарқ қилади. Гап шундаки, отага пул керак эди. Қанча кўп бўлса, шунча яхши. Шу истак тўғрисида у ўғли ўз тарбияси ва қарамоғида бўлмаси-да, ўғлининг номига сохта туғилганлик гувоҳномасини расмийлаштириди. Кейин ҳеч тат торتماй, заррача уялмай туман ижтимоий таъминот бўлимининг вағга етмаганлар учун бериладиган нафақани ола бошлади.

Болага меҳр бериш, бошини сийлаш ўрнига, унинг номи нисбатан нафс бандаси Қаҳрамон Эшбоновнинг бу «каш-фиёти» узоққа бормади. Туман прокуратураси томонидан отанинг қонунга зид хатти-ҳаракати ўрганиб чиқилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тумандаги Қуврай қишлоғида яшовчи Раҳмонжон Байжоновнинг усули ҳам Қ. Эшбоновникидан қилишмайди, фақат сал фарқ қилади, ҳолос. У шириндан-шакар тўрт нафар жажжи қоракўларнинг моддий таъминотидан бўйин товледи. Гарчи Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг ижро варақасида қайд этилган бўлишига қарамай, ота даромадининг бор-йўғи 12 фоизини тўлашга қўзи қиймади. Унинг суднинг ҳал қилув қарорига қат беришга уриниши бўйин товланган жиноят деб топилди.

Болага меҳр бериш ҳар бир ота-онанинг келажакка тамал тоши қандайд қийини билан баробар. Агар бу тамал тоши мустақкам қўйилса, кексайган чоғида уларнинг ўзига оқибат ва ғамғўрлик бўлиб қайтиши шубҳасиз.

**Зафар ЭРГАШЕВ, Хатирчи туман прокурори ёрдамчиси**

### ПАСПОРТ БЕРГАНЛИК УЧУН БОЖ ОЛИНАДИМИ?

**Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат поштинаси (бож) олинади. Тўла давлат таъминотида бўлган шахслар тегишли тўловдан озод қилинади.**

### ФУҚАРО ПАСПОРТИНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙСА...

Фуқаро паспортини авайлаб асраши керак. Уни йўқотиб қўйганда фуқаро доимий қайда этилган жойида ички ишлар органига дарҳол хабар қилиши керак. Орган фуқаронинг аризасига мувофиқ белгиланган намунадаги маълумотномани тақдим этади. Низомда белгиланган тартибда ариза берилган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт берилади.

**Хуқуқшунос Д.МАДИЕВ жавоб берди.**

### Бир хат изидан

**Нарпайликлар, айниқса, мўғулкентликлар ва тоткентликлар ўша кунни, ўша воқеани ҳали қўп вақт унута олмашса керак. Яхши ниятлар билан бошланган тўй шу кунгача кимга татимади. Шўх-шодон мўъжиза янграмади, келин-куёвлар давра тўрида ширин тилақлардан яйрамади. Тўйга хизмат қилганда хайдовчининг айби билан уч киши ҳалок бўлди. Улар ҳам оила қураётганларнинг қувончига шерик бўлиш учун келишган эди аслида.**

Мўғулкентлик Абдураул Бурунов Тоткент қишлоғидан келин туширадиган эди. Қуданикига борадиган автоуловлар сафига Анвар Бурунов бошқарувидаги «Матиз» ҳам қўшилди. Бу машина унинг отасига тегишли бўлиб, Анварнинг номига ишонч қорози билан расмийлаштирилган ва яна маҳинани миниб чиқшида Анвар отасидан рухсат олмаган эди. Келинчикига бориш чоғида «Матиз»га минган Гўлбаҳор Йўлдошев машинани секинроқ ҳайдаш ҳақида Анварни огоҳлантирганини суд мажлисида айтиди. Келинқув ва кўвё жўралар, қизлар Каттақўрғон шаҳрига боришади. Шаҳарни зиярат қилиб суратга тушишда, лавильонда ўйин-кулгу қилишади.

Ана шу жараёнининг бирида негадир Анвар Бурунов бошқарувидаги «Матиз» бошқа машиналар сафидан ажралиб қолди, Уч-кун Йўлдошев, Элдор Мизонов, Марғуба Очилова, Зуҳра Умировалар яна бир жойга мўъжизойиб қўйишга киришади. Ниҳоят, вақт алламаҳал бўлганини англашади. Сўнг шовилчинини

шу қисмида бироз ўнға қайрилиш бор ва хайдовчилар ибораси билан айтганда йўл қоплама «гормошқа» бўлиб қолган. Шу боис Анвар бошқаруви йўқотади. Натижда «Матиз» чап томони билан икки марта тўсиққа урилиб, йўлга қўндалган бўлади ва ёнмагасига 5 — 6 марта думалаб, 34 — 35 метр нарида тўнкарилган ҳолатда йўл четида тўхтаб

қолади. Бу ҳолатни орқадан қараётган «Нексия» хайдовчиси Қаҳрамон Каримов аниқ қўради. Суд Анвар Буруновнинг ўзи айбига тўлиқ иқроқлигини, пушаймонлигини,

қарамоғида икки фарзанди борлигини инобатга олиб, 8 йилга озодликдан, 3 йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиди.

Фуқаронинг айбдорлик даражасини белгилаш ва унга жазо тайинлаш суднинг ваколатига кириди. Биз эса фожеанинг келиб чиқиш сабаблари, бунда унинг қатъийонамалари кўрдик. Аммо қўради унинг таъсирини (ёки бетасирлиги) ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Фикримизча, Анварнинг отаси ўзига тегишли автомашинаси ва калитини қаровисиз қолдириши фожеа томон қўйилган биринчи қадамдир. Коллежда ўқиб, хайдовчилик жойларда ана шу тadbир ва юмушлар қорғозда қўлиб кетган қўринад.

Юқорида баён этилган фожеа юзасидан Нарпай туманидаги Қадим ҚФЙ идо-расига бораганимизда тўймаъракаларни тартибли, дабдабасиз ўтказиш бўйича тadbирлар мавжудлигини ҳамда таҳлил қилинган баённомаларни кўрдик. Аммо қўради унинг таъсирини (ёки бетасирлиги) ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Дарвоқе, фожеа сабабчиси Анвар Бурунов аини шу ҚФЙда ашайди. Унинг расиси Рустам Бурунов хонасидаги хайхотдай стилиннг устида на бирорта ҳужжат, на бирорта матбуот наشري бор. «Зоир ота» МФЙ расиси Н. Самадовни чақиртиришни сўраганимизда, олисроққа кетганини баҳона қилиб қўя қолди. Дарвоқе, Р. Бурунов ва Н. Самадовлар Анвар Буруновга яқин қариндошлиғи уларнинг хизмат вазифаси нуқтаи назаридан жавобгарлик масъулиятини оширсан оширадими, асло қамайтирмайди.

Маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кенгаши расиси, масулаҳатчилар ва бошқа фаолларнинг қатъийонамалари, тўймаърақа қатнашчиларининг ортиқча андишаллиғи ҳам мазкур фожеа сабабларидан.

Баъзан маҳалла фаоллари тўйлардаги ортиқча ҳаракатларни қўриб, кескин чоралар қўллагани билан ёшлар ўзбошимчилик қилверадиган. Келин-куёвнинг ниҳод сайрига 3 — 4 та машина тайинланган бўлса-да, кўвё жўралар ўзлари ёллаган машиналар билан йўл-йўлақай сафга қўшилиб кетишади.



# Ёмон иллат — келтирар кулфат

**Спиртли ичимлик гарчи хурсандчилик учун ичилса ҳам шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради. Қанчадан қанча истеъдод соҳиблари ичкилик туйғайли ҳаётдан кўз юмган, не-не кишиларнинг фаровон турмуши издан чиққан...**

Нормўминбой бинойидек йигит эди. Нияти соф, нигоҳи тафтли ва одамшаванда. Аммо, спиртли ичимлик билан томоғини хўллади, дегунча нафс жилвини бошқаролмай қолади. Бўкиб, ерга қапишиб қолгунча ичди. Бу эса, уни эл орасида боши эгик, тили қисик, ҳаётда сўққабош бўлиб қолиш билан бирга, тўртинчи бор панжара ортида "меҳмон" бўлишига сабабчи бўлди. У тавбасига таяниб, бу ёқлардаги сафари ниҳоялагач, ҳаётини қайтадан, ҳалол йўл билан давом эттиришга аҳд қилди.

Нормўмин кўп ўтмай озодликка чиқди. Девр шимариб Зарафшон шаҳридаги гигант ташкилотлардан бирида ёшт терувчилик қила бошлади. Топиш-тутуши ҳам яхшиланди, бахтиёр дамлари бошланди. Шундай кунларнинг бирида Светлана Анатольевнадек дилкаш, дилбаргина аёлни учратиб қолди-ю, ҳаётга

— деди у, учрашувларидан бирида қувониб, Светланага ипакдек майин сочларини сийпаб-эркалаб: — Авваллари гўр эканман, энди кўзим очилди, гулдек ишим ва сён бор экансан, ҳеч қачон ароқнинг отини тилимга олмайман. Агарда ичсам...

Оғзи куйган Светлана эса катикни ҳам пуфлаб ичишга одатланган. Аммо, йигит нигоҳига синган дардамандлик унинг қалбини юмшатди.

Шу тариқа янги оила қурилди. Аммо, қувончли кунлар узокқа чўзилмади. Нормўминбойнинг гаплари "эчки қасами" бўлиб чиқди, у турли баҳоналар билан ичиб келадиган, энг ёмони, маст пайтида кўзи қонга тўлиб, асаблари қақшаб, шўрлик ожизани урар эди. Ниҳоят, эрининг зуғумлари-га чидай олмаган аёл ота-онасининг бағрига борди...

Светлана Филиппованинг ўз уйда ваҳиёна чавақлаб кетилгани ҳақида хабар олинган, тезкор гуруҳ ишга киришти.

Жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган марҳуманинг онаси шундай гувоҳлик беради:

— Тўртинчи март кун қизим Светланага тугилган кун эди. Шунини нишонлаб турган пайтимиз бир кучоқ гул кўтариб кувимиз Нормўмин кириб келди.

Гарчи улар ажралишган бўлса ҳам, биз уни кечириб, даврамизга олдик. Нормўмин қизимнинг қўлига тилла узук тақиб, узис яшай олмаслигини айтди. Бир зум гўё хаммаси изига тушгандек бўлди. Лекин у "тўйиб" олган, қизимни хонасига қақирди ва яна жанжалини бошлади. Ваҳотхатидан кўрқиб, қизим ёнимизга қайтиб

чиқди ва «узугини қайтиб бердим, мен у билан яшай олмайман» дея зор-зор йиғлади, шўрлик.

Шундан кейин, уларнинг зўраки суҳбати ошхонага кўчди. Биз ҳалақит қилмайлик, деган андиша билан уларни кутиб турган пайтимиз қизимнинг кучли чинқирғи эшитилди.

Шу пайт куёв бўлмиш ўзини ташқари эшикка уриб, қочиб кетди. Бояқиш қизгинам кўкрак, сөн, бўйин ва яна бир неча еридан аёвсиз чавақланган кўйи қонига бўялиб ётарди.

Табиийки, Нормўмин Рўзиқулловнинг бундай ваҳиёна ҳаракатига қонунда белгиланган тартибда тегишли жазо белгиланган. Аммо, ҳаётдан шифога қутиб, тирриклик наҳидасини қўйлаб юрган ёш аёлнинг завол топанг умри учун бу жавоб бўла оладими!

Кўён азбаройи яхши қурганидан ўзининг боласини еб қўйар экан. Нормўминнинг ҳам ўз кўнгил қўйганига кўрсатган «муҳаббати» ана шундай мантиқсизлик билан тугагани гоётда ачинарли.

Курбон АХМЕДОВ,  
Зарафшон шаҳар прокурори,  
адлия кичик маслаҳатчиси



## ОҚ АЖАЛ ЧАНГАЛИДА

**Заҳри қотил билан тўйинган нина, Оппоқ баданини қилди жароҳат.**

**Гўзал фалакларга учиб кўнглингда, Афсус, тубсиз жарга куладинг фақат.**

**Эй, инсон, вақтида йигил ҳушингни, Оқ ажал домига тортар баттарроқ.**

**Қара, сархуш онлар тугаб, жисмингни Хумор азобидан босар қалтироқ.**

**Ўлим йўли ўтар билсанг бу жардан, Одамзот! Наҳотки шу чун ярадинг!**

**Келажақдан — эзгу ишлардан Наҳот бангилики сен афзал билдинг!**

**Эй, оқ ажал, сенга айтар сўзим шу: Бизнинг ўлкалардан кетгин, бўл нари.**

**Бизда ёш ниҳоллар ўсар бенуқсон, Улар гулшан ичра ҳаёт гуллари.**

Иродаҳон МУХТОР қизи

### Ичкилик — умр эгови



## УЛФАТЛАР

ганини айтиб Анатолий даврани тарқ этди.

Ичкилик ўз таъсирини ўтказган икки шишадан но-жўя сўзлар билан бир-бирини ҳақорат қила бошлади. Аслида хурсандчилик учун бошланган «базму жамшид» фожиа билан яқун топди.

Ўзининг ҳатти-ҳаракатларини бошқаришга ожиз қолган Бахриддин Мухсиннинг бошига ароқдан бўшаган шиша билан урди. Мухсин бу хамлага чап бера олмади. Таассуфки, тиббий муолажалар ҳам наф бермади, Мухсин ҳаётдан кўз юмди.

Ахли донишда бир ибратли нақл бор: «Қозонга яқинлашсанг қораси юқар, ёмонга яқинлашсанг балоси юқар». Жиноят қилишга мойил Бахриддиннинг ҳаддан ортиқ спиртли ичимлик истеъмол қилиши бу гал қотилликка олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этган Бахриддин Ибодов қилмишига яраша жазога тортилди. Бирок, бундан энди Мухсиннинг яқинларига нима фойда. Ичкиликнинг мудҳиш оқибати юракларга ўчмас доғ бўлиб муҳрланди.

Аслиддин УМУРОВ,  
Бухоро вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси,  
Моҳира ШАКАРОВА,  
журналист

Кўр хассасини бир марта йўқотади. Аммо қалбдан сўқир қимса... Ўн марта йўқотса ҳам ва бу иши билан ўзи, ўзгалар азият чекса ҳам ақли қирмас экан.

Мухсин Юлдошев кеч томон Бахриддин яшайдиган «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги уйга келди. Икки улфат ўртасида бир шиша ароқ бўшагач, улар янада очилди, бир-бирига меҳри тушиб қолган кишилардек қадрдонлашган эдилар:

сосиска кўтариб чайкалганча кетаётган ширақайф Бахриддинни йўл-йўлакай Анатолий билан таништирган Мухсин уйга кетиб дам олишини айтди. Шундан сўнг Бахриддин улфатчиликни Анатолий билан давом эттирди. Ўша кеча меҳмон Бахриддиннинг уйда тунаб қолди. Эрталаб уйқудан кўзини зўрга очган Анатолий бош оғригини қолдириш учун даво излаб дўконга югурди.

— Эҳ, дўстим, сенга гап йўқ экан. — Ха, энди «пахмелья» учун... Уларга тушликка яқин соат 12 ларда Мухсин келиб қўшилди. Учовлон 0,7 литр спиртни бир пасда юмалоқ ёстик қилишди. Уйнинг эшиги очик қол-

### Гиёҳвандлик — аср вабоси

Аср иллати «оқ оғунинг тарқалишига қарши мамлакатимизда кескин чоралар қўриляпти. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунида барча жиноятларни юзага келтирувчи, инсон келажагига раҳна солувчи иллатга барҳам бериш вазифалари белгиланган.

«Қарши-Бухоро» йўналиши бўйича ўқдек учиб бораётган «Нексия» автомашинаси «Ширинбулок» чегара масканида йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Ўзини «Бухоро вилоятининг Когон шаҳриданман» деб таништирган Олег Шмидтнинг безовталаниши икки ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Текшириш ўтказилганда у ўтирган ўридиққа тўшалган одевал орасидан қозога ўралган оқши рангли порошкисмон модда топилди.

Суриштирувлар ва наркологик экспертиза жараёнида топилма героин моддаси эканлиги аниқланди. Ўзи билан бирга 0,7 грамм «оқ оғун» олиб келаятган О.Шмидтнинг гиёҳвандлик хасталигига чалинганлиги, мажбурий даволанишга муҳтожлиги аниқланди. Айбига иқдор гиёҳванд қилмишига яраша жазоланди.

Бундай балои азимга дучор бўлган кишининг боши кулфатдан чикмайди. Оила-сида, қавму қариндошлари, дўсту ёрларидан, соғлиғидан ажралиб, ҳаёт неъматларини ихтиёрни девоналикка алмаштиради. Тахлиллар кўрсатиб ту-

рибдики, «оқ ажал» исканжасига тушганларнинг етмиш фоизидан кўпрогини ўттиз ёшга етмаганлар ташкил этади. Мўмай даромад илнқикда Нишон туманида яшовчи, 1965 йилда туғилган Г.А. исмли киши олий маълумотли бўлишига қарамасдан тайинли ишининг бошини тутмади. Оғирнинг устидан, енгилнинг

«Қарши-Бухоро» йўналиши бўйича ўқдек учиб бораётган «Нексия» автомашинаси «Ширинбулок» чегара масканида йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Ўзини «Бухоро вилоятининг Когон шаҳриданман» деб таништирган Олег Шмидтнинг безовталаниши икки ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Текшириш ўтказилганда у ўтирган ўридиққа тўшалган одевал орасидан қозога ўралган оқши рангли порошкисмон модда топилди.

«Қарши-Бухоро» йўналиши бўйича ўқдек учиб бораётган «Нексия» автомашинаси «Ширинбулок» чегара масканида йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Ўзини «Бухоро вилоятининг Когон шаҳриданман» деб таништирган Олег Шмидтнинг безовталаниши икки ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Текшириш ўтказилганда у ўтирган ўридиққа тўшалган одевал орасидан қозога ўралган оқши рангли порошкисмон модда топилди.

## ҚИРҚҚА КИРИБ ҚУЮЛМАГАН

остидан юриб, осон бойиб кетиш йўлини қидирди.

Ўтган йилнинг сентябр ойида Сурхондарё вилоятининг Сароисёб туманига бориб, таниши Элбек деган кишидан 80 грамм героин моддасини 800 минг сўмга сотиб олиб, Қарши шаҳрида яшовчи Д.А. каевга 1 миллион сўмга пуллаётганда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

И.Ботиров қирчиллама қирқ ёшида тўғри йўлдан



қилинганда ёнидан кукунсимон модда топилди. Лаборатория текшируви ҳулосаларида бу нарса героин эканлиги исботини топди. Гиёҳванд жиноятга яраша жазоланган эди.

«Оқ ўлим» чангалига тушиб қолганларнинг анчик қисмати хақида ўйлар экансан, улар яшаётган кишлоқ, маҳалла, уй-жой

жамоалари ва ўқиш жойларидаги носоғлом муҳит, маҳалла-қўйдаги эътиборсизлик туйғайли ёшлар «оқ оғу» исканжасига тушиб қоляпти.

— Қасалликни даволагандан кўра олдини олиш афзал, — дейди вилоят наркология шифохонаси врачлари. — Кейинги пайтда гиёҳвандлар сони ортиб бораётгани ишларни кучайтиришни тақозо этади. Жисмоний фаоллик беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши ва зарарли иллатлардан халос бўлишига қўмақлашади. Наркология диспансерида даволаниб чиққанлар доимий назоратга олиниши керак.

Қаршилик Т.Нуриллаев 5,5 грамм марихуана моддаси билан қўлга тушган эди. Гиёҳвандга нисбатан кўзғатилган жиноят иши мамлакат Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги тўғрисида»ги қарорининг 5-моддасига биноан ҳаракатдан тўхтатилиши ва фуқаро жиндий жазони ўташдан озод қилинди. Адашган қимсаларни тўғри йўлга солиб юбориш — юксак инсонпарварлик фазилати. Ҳамкорликда олиб борилган тартибот-ташвиқот ишлари қанча оилаларни барвақт бузилиб кетишдан, болаларни тирик етим бўлиб қолишдан, ёшларни эса умри эрта ҳазон бўлишдан сақлаб қолади.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,  
«Ишонч» муҳбири

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«SPARTAK STIL» ЎЗБЕК-ИСРОИЛ  
КЎШМА ҚОРҲОНАСИ  
Барча юртдошларимизни  
яқинлашиб келаётган  
Янги йил байрами билан  
қизгин муборакбод этади.

